

А Ж Р И М

ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

2024 йил июнь ойининг 05 куни, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Каттақўрғон туман Кадан авто-ўқув мактаби биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.З.Саломов, судья ёрдамчиси И.Маматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Рустамов, судланувчи Д.Оқилов ва унинг ҳимоячиси – Самарқанд шаҳридаги «Аман» адвокатлар ҳайъатининг адвокати М.Муқимов ҳамда жабрланувчи Д.Атамуратовнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Оқилов Достонбек Бадритдин ўғлига оид бўлган 1-1404-2402/101-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Оқилов Достонбек Бадритдин ўғли (Oqilov Dostonbek Badritdin o'g'li), 1992 йил 04 февраль куни Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Каттақўрғон шаҳар, Ғариб Мачит маҳалласи, Мунис кўчаси, 4-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тарқасида «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 04 май куни олган, руҳан соғлом.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Оқилов Достонбек Бадритдин ўғли, 2024 йил 14 февраль куни соат 11:00ларда Каттақўрғон туман, Омонкалхат маҳалласи ҳудудида Атамуратов Дилшод Нормуратович билан ўрталарида юзага келган келишмовчилик сабабли, жанжаллашиб, жанжал вақтида Д.Атамуратовни ўнг кўз соҳасига қўли билан уриб, унга нисбатан «енгил соғлиғини бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати» етказган.

Каттақўрғон туман суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 07 март кунги 296-сонли экспертиза хулосасида Атамуратов Дилшодни таънасида, яъни ўнг қошининг ташқи бурчагида эзилиб йиртилган яра, ўнг кўз юқори қовоқ соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши каби жароҳатлар аниқланган бўлиб, улар қаттиқ тумтоқ жисм таъсирида етказилганлиги, ушбу жароҳатлар ўзининг одатдаги кечувида, унинг соғлининг олти кундан кўп, аммо йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлишлиги, ушбу тан жароҳатлар «унгил соғлиқни бузилишига сабаб бўлган тан жароҳатлари» гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи Д.Оқилов суд мажлисида қилмишидан пушаймонлигини билдириб, ҳозирда содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчидан содир этган қилмиши учун кечирим сўраб, етказилган моддий



зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирор-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида ариза бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Д.Атамуратов суд мажлисида, судланувчи Д.Оқилов ундан кечирим сўраб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида ариза бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Д.Атамуратов ҳамда судланувчи Д.Оқиловнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Каттақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Рустамов ҳамда ҳимоячи М.Муқимовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Д.Оқилов муқаддам оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланмаганлигини, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчи бирор-бир тазйиқсиз ихтиёрий ярашганликлари сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Д.Оқиловга нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатишни ҳамда ажрим қонуний кучга киргач, дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек суд, жабрланувчи Д.Атамуратовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Судланувчи Оқилов Достонбек Бадритдин ўғли (Oqilov Dostonbek Badritdin o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, судланувчи Оқилов Достонбек Бадритдин ўғлига дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» эҳтиёт чораси бекор қилинсин.



Жабрланувчи Атамуратов Дилшод Нормуратовичга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ажримнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг эса шу суд оркали кассация тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ф.З.Саломов

